



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 14 сентябрь, № 191 (7421)

Шанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЧИРОҚЧИ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қашқадарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурсларни комплекс ривожлантириш, минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологик ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу асосда вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда ҳудуд аҳолиси фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида «**Чироқчи**» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Чироқчи» ЭИЗ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Куйидагилар «Чироқчи» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб этилаётган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурсларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизда мустақам кооперация алоқаларини ўрнатилиш ҳамда эркин иқтисодий зона иштирокчилари ўртасида ва умуман, республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни чуқурлаштириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш;

логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, саноат соҳасида ишлаб чиқариш субъектларига улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда кўмаклашиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш ва уларнинг хулосалари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Чироқчи» ЭИЗнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг «Чироқчи» ЭИЗда жойлашган ҳудуддаги ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташида қатнашиш.

3. Белгилансинки: «Чироқчи» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Чироқчи» ЭИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиботлари амал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони 3, 4 ва 5-бандлари қондалари «Чироқчи» ЭИЗ иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ

маданиятлараро мулоқот ҳамда дўстликни мустақамлашга хизмат қилади



INTERNATIONAL FESTIVAL OF HANDCRAFTERS KOKAND - 2019



Фестиваль доирасида Қўқон шаҳрида ўтказилаётган тадбирлар иштирокчиларда, айниқса, хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда. Жумладан, тарихий қаҳрамонларни жонлантиришга қаратилган турли театрлаштирилган томошалар фестивалга алоҳида шуқуқ бағишламоқда.

Шунингдек, Жаҳон ҳунармандлари кенгаши Осиё — Тинч океани минтақаси бўйича президенти Гада Каддумининг «Осиё — Тинч океани минтақасидаги ҳунарларнинг он-лайн-энциклопедияси (АТР). Анъанавий қўл меҳнати буюмлари»

лойиҳасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Унда бош муҳаррир Кевин Мюррэй, таҳрирчилар — Индрасен Вентакачелум, Раджа Фуззия Бинти Раджа Тун Уда ва Уша Кришна мазкур илмий тўпламнинг аҳамияти хусусида маърузалар қилишди.

Таъкидлаш керакки, ушбу энциклопедия Осиё — Тинч океани минтақасидаги 50 давлатдаги 120 нафар ёзувчининг 445 мақоласини ўзида жамлаган.



ЦЗЯН Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси:

«Ўзаро саъй-ҳаракатлар Хитой — Ўзбекистон савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларини юқори босқичга кўтаради»

Қадимги цивилизациялар ўчоғи бўлган Хитой ва Ўзбекистон қадимда Буюк Ипак йўли бўйлаб мустақам савдо алоқаларини йўлга қўйган. Сўнгги йилларда ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг стратегик раҳбарлиги остида сиёсий ўзаро ишонч узлуқсиз чуқурлашмоқда, савдо айланмаси янги рекордларга эришяпти, амалий ҳамкорлик улкан самаралар келтираётди, гуманитар алмашинувлар жадаллашмоқда. Умуман олганда, икки томонлама стратегик шериклик мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилди.

Хамкорлик

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг барометри ҳамда мулоқот ривожда ҳаракатланувчи куч ҳисобланади. Юқори даражадаги Хитой — Ўзбекистон сиёсий алоқалари савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни мунтазам кучайтириш учун пухта пойдевор қўйди. Уларнинг

мустақамлашгани эса долзарб аҳамият касб этади.

Биринчидан, бу икки мамлакат раҳбарлари келишуви руҳига ҳамоҳандир. Боиси ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Президент Шавкат Мирзиёев ҳамкорликда 2020 йилда товар айирбошлаш ҳажмини ўн миллиард долларгача етказиш вазифасини қўйишди, савдо тузилмаларини яна-

да оптималлаштириш ва инвестициявий ҳамкорлик даражасини оширишга келишиб олишди. Бу икки томоннинг истикболдаги фаолияти учун йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, бу икки давлатнинг тарқиёт ва гуллаб-яшнаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига мос келади. Жорий йил Ўзбекистонда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинди. Ҳукумат томонидан унинг доирасида ишбилармонлик муҳитини сезиларли яхшилаш ва хориж капиталини жалб этиш учун чора-тадбирлар қабул қилинди. Биринчи ярим йилликда мамлакат ташқи савдоси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 30 фоиз, асосий капиталда инвестициялар ҳажми 2,6 баробар ўсди. Бу иқтисодий юксалишга кучли туртки берди.



Парламент ҳаёти

Ёшлар масаласида масъулиятсизликка йўл қўйиб бўлмайди

Ёшлар жамият ва давлат ривожда муҳим ўрин тутади. Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интилиш ва қобилиятларини рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароитни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ҳам мамлакатда бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

Аmmo ёшларга ана шундай юксак эътибор қаратилаётган бир пайтда айрича мутасадди ташкилот раҳбарларининг суस्तқашлиги сабабли йигит-қизлар билан боғлиқ аксарият муаммолар ҳамон тўлиқ бартараф этилмапти. Жойларда мутасаддилар томонидан бу масалани менсимасдан, ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-умидларига эътиборсиз қараш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Хусусан, «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури нима мақсадда қабул қилинганини изоҳлашга

зарурат йўқ, назаримизда. Чунки унда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг барчаси ёшлар қамолотиغا қаратилган.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқиб, жорий йилда Давлат дастури қамровини янада кенгайтириш мақсадида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда туман (шаҳар)лар кесимида 2,1 трлн. сўмга яқин 8913 та бизнес лойиҳанинг манзилли рўйхати ишлаб чиқилган эди.



Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

МИЛЛИЙ ҒОЯ САОДАТГА ЭЛТАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бугунги Ўзбекистон ҳаёти, орзулари, муаммолари, истикболи ҳақида сўз юритди. Нутқда инсон қалби, кўнгли, маънавияти, ғояси, онгимизда бўлаётган ва бўлиши керак бўлган ўзгаришларга катта эътибор қаратди.

Бунинг моҳияти нима?

«Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичга дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик кифоаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган

«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда», деди Президентимиз.

«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ғоясининг кўтарилиши миллий тарихимизда унутилмас воқеа бўлиб қолади. Чунки бу ўз номи билан янги Ўзбекистоннинг Бош ғояси. Демак, уни ҳар биримиз англаб олишимиз зарур.

«Миллий» сўзини «жамият»,

«биз», «Ўзбекистон ҳалқи», деб тушунасак, тикланиш деганда нима тушуноқ керак? Бизнингча, бу — илгари тик турган, гуллаб-яшнаган, аммо кейинчалик, маълум сабаблар туфайли йиқитилган, буқилган, синдирилган, ётқизилган, бўйсундирилган «БИЗ»нинг қадди тикланиши, даволаниши, овоз бўлиб, оёққа туриши.

Миллий юксалиш нима? Президентимиз «Миллий юксалиш деганда, биз мамлақати-

миз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз», дея мукамал таърифни ўртага ташлади. Демак, миллий юксалиш — бизнинг ҳар томонлама (соғлиқ, билим, йўл, иқтисодиёт, эркинлик, оила, технология, меҳр-оқибат, экология, кийиниш, спорт, мудофаа, тадбиркорлик, ташқи ишлар, тил билиш, китобхонлик, ободлик ва х.к.) юқорига чиқа боришимиз. Босқичма-босқич, тўхтамай юқорига кўтарилиш.

Бунинг натижаси ўлароқ, «БИЗ»нинг ҳаёт даражамиз, рўзгоримиз баракаси босқичма-босқич оша боради. Тадбиркорларимиз ўз ақл ва гайратлари билан буни бошлаб бердилар. Ҳаммамизнинг ҳаётимиз йилма-йил фаровон бўла боради. Миллий ғоя ҳар биримиздан ўз-ўзимизга танқидий таҳлил, қатъий

тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик билан ишлашни кутмоқда.

Миллий ғоя халққа саодатни келтириб бермайди. Балки унга бошлаб боради. Унга ишониб, амал қилган халқни машаққатли меҳнат майдонидан ўтувчи йўлдан бахт-саодатга етаклайди.

Билган олим, билмаган...

Биз узоқ йиллар Фарбга синфий, мафкуравий душманона кўзлар билан қараб келдик. Мустақиллик бизга собиқ мафкуравий олақарашлардан тўхтаб, энг ривожланган давлатларнинг мафкураларини ўрганиш, ижобий йўллардан фойдаланиш имкониятини берди.



Халқаро тижорат арбитражи: Айрим нормаларга аниқлик киритилмоқда

«Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шу йилнинг апрель ойида Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинган эди.

Айни пайтга қадар ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича 20 дан зиёд йиғилиш ва давра суҳбатлари ўтказилиб, иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёр ҳолга келтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати кучайиб бораётгани

қайд этилди. Боиси Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, хорижий инвесторлар, шунингдек, миллий компанияларнинг чет эллик ҳамкорлари билан ўзаро муносабатларидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.



ЦЗЯН Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси:

«Ўзаро саъй-ҳаракатлар Хитой – Ўзбекистон савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларини юқори босқичга кўтаради»

Хитой томони, ўз навбатида, иқтисодий тизимларини ўзгартириш ва модернизация қилишни чуқурлаштириш, очиклик даражаси ошмоқда, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси фаол илгари суриляпти...

даврида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтиш ҳар доимгидан ҳам долзарб эканлигини англаб етляпти.

Учинчидан, бу замонавий тараққиёт жараёнлари талабларига жавоб беради. Зеро, дунё илгари қузелган маънавий қазиналарини бошдан кечиряпти...

тунели, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи каби йирик лойиҳалар бунга бир мисолдир. Айни чоғда Ўзбекистон томони талаби билан Хитой маҳаллий аҳоли фаровонлиги йўлида катта лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ва безарз ёрдам механизмларини самарали қўллашга тайёр.

Учинчидан, икки давлат корхоналарини қўллаб-қувватлашни кучайтириш. Хитой томони маҳаллий корхоналар ва молия муассасаларига Ўзбекистонда бизнес юритиш учун инвестиция имкониятларини янада фаол тақдим этади.

Икки минг йилдан ортқ вақт илгари Хитой ва Ўзбекистон Буюк Ипақ йўли орқали яқиндан боғланган эди. Бу савдо ва бошқа жабҳалардаги икки томонлама алоқаларга кўн тарафлама туртки берганди.

«Халқ сўзи».

ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

тиббиёт соҳаси раванқида муҳим аҳамиятга эга

Наманган вилоятида "XXI асрда тиббиёт ва фармацевтиканинг ривожланишида инвестиция ва инновациянинг роли" мавзuida халқаро форум ўтказилмоқда.

тарихида биринчи бор буйрақни кўчириш амалиёти бажарилди. Пойтахтлик шифокорлар бригадаси академик В. Вохидов номидаги республика иختисослаштирилган хирургия маркази Қон томirlарни ва буйрак трансплантологияси бўлими раҳбари, профессор Фазлиддин Баҳриддинов раҳбарлигида 1982 йилда туғилган Барно Мусабоева-да шундай амалиёт ўтказилди.

Форум

Тўрақўрғон шаҳридаги "Ширинлик" маданият саройида форумнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

сусий шифо муассасаларида ўрнатилган тиббий технология хорижий давлатлардагидан асло қолишмайди. Бугунги кунга келиб, вилоятда фармацевтика саноати ҳам ривож топмоқда.

Тадбир дастурига кўра, ташкил этилган ялпи мажлисда қатор давлатларнинг таниқли олимлари, сармоядорлари ва мутахассислари ўз маърузалари билан қатнашди.

Халқаро анжуман дастуридан вилоят шифохоналарида юксак технологияли жарроҳлик амалиётлари ўтказиш ҳам ўрин олган. Республика иختисослаштирилган кардиология марказининг вилоятдаги филиалида Наманган тиббиёти

Айтиш керакки, Наманганда аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг моддий-техника имкониятларини ошириш, хусусан, даволашнинг илгор усул ва услубларини амалиётга жорий этиш, малакали мутахассислар сафини кенгайтириш борасида муайян тажриба тўпланган.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ «Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ маданиятлараро мулоқот ҳамда дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади



Кевин Мюррэйни айтишича, онлайн-китобда ҳунармандчилик маҳсулотларини бугунги кунда қардан топиш мумкинлиги тўғрисида тўлиқ маълумотлар ҳам мавжуд.

Жараёнларда 17 гектар ҳудудни эгаллаган ҳунармандлар шаҳарчасида жойлашган Риштон, Ғиждувон, Ургут, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Ғурумсарой, Шахрисабз кулоллик мактаблари намояндалари иштирок этмоқда.

Сўз — халқаро фестивал иштирокчиларига

Халқаро ҳунармандчилик фестивали муносабати билан унинг асосий тантаналари учун тайёрланган Худойёрхон ўрдаси майдонида ўтказилаётган халқ сайиллари, фольклор жамоалар, дорбозларнинг чиқишлари, концерт дастурлари ташриф буюрувчиларда, айниқса, хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда.

Лопес Керолай РОБЕРТСОН хоним, фестивалнинг фахрий меҳмони (АҚШ):

— Эрта тонгдан Кўқон шаҳри кўчаларида минглаб одамларнинг қувонч шодийнасига гувоҳ бўлдим. Айниқса, миллий либоси ўзига ярашиб турган ўзбек аёллари га ҳавасим келди. Карнай-сурнай, доира садолари байрамга ўзгача шухуҳ бағишламоқда. Ҳаммининг юзида қувонч. Биз ҳам яйраб рақсга тушдик.

Халқингизга хос меҳмондўстлик, ўзгача лутф мени доим таъсирлантиради, ҳайратга солади. Юртингизда санъат, маданият ва ҳунармандчилик азалдан ривожланган. Уни асраб-авайлаш, бетакорр анъана ва қадриятларни келгуси авлодларга безавол етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ.

Гарба АҲМАД, Жаҳон ҳунармандлари кенгашининг Осиё — Тинч океани минтақаси котибияти бош котиби ёрдамчиси:

— Марказий Осиё гавҳари — Ўзбекистонни бой маданий ҳазинага қўйслайман. Халқаро фестивал тўғрисида дунё эътибори Самарқанд, Бухоро, Хоразм қатори кўҳна Кўқонга қаратилди. Бугун, ҳақиқатан ҳам, Кўқон қадимий цивилизация ва маданият ўқоқларидан бири экани ёрқин намоян бўлмоқда.

Халқаро фестивал дунёнинг турли нуқталаридан 600 дан зиёд ҳунарманд усталар, нафис санъат намояндаларини кўҳна Кўқонга чорлагани ҳам Ўзбекистоннинг маданий меросни асраб-авайлаш, уни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масаласига катта аҳамият қаратаётганидан далолат беради.

Хакимон ЖўРАЕВ, Тожикистон делегацияси раҳбари:

— Тожикистонлик йигирмадан зиёд ҳунармандларимиз ўзларининг юзлаб асарларини намойиш этиш учун мазкур фестивалга ташриф буюришди. Улар орасида пичоқчилик йўналишида 300 йиллик аънамага эга усталар авлоди бор. Ана шундайлардан бири, пичоқчиларнинг олтинчи авлоди Иброҳим Мирзоев 18 ёшдан буён шу касб билан шугулланади.

40 КИЛОГРАММ ОШ СИҒАДИГАН ЛАГАН



Ҳайрат

Кўқон шаҳрида бўлиб ўтаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида иштирокчиларни ҳайратга соладиган жуда кўплаб ҳунармандчилик намуналари намойиш қилинмоқда.

Хусусан, Риштон туманидан моҳир кулол Равшанбек Тожиддинов бугун ўзи ясаган улкан лаган намунасини омма эътиборига ҳавола этди. Ишонасизми, унинг оғирлиги нақд 80 килограмм, диаметри 1,2 метр.

шундай қилинмаса, у пишиқ ва мустаҳкам бўлмасди. Кўп миқдорда ош солинганда синиб кетиши мумкин эди. Кейинги босқичда лаган юзасига нақш чизилган олдин сир локи суртилиб, яна 6 ой қуритилиб, Қисқаси, 3 йил вақт сарфлашимизга тўри келди.



Равшанбек Тожиддинов айни кунларда давлатимиз яратиб берган экспорт ва солиқ имкониятларидан фойдаланиб, 500 турдан ортқ бу каби маҳсулотларни АҚШ, Германия, Австралия, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари экспорт қилмоқда.

Бугуннинг гапи

Бугун шиддат билан ўзгараётган, инсон ақлу заковати, қобилияти юзага чиқсин дейилаётган, дунёқарашимиз ҳамда ҳаётга муносабатимизнинг баъзи жиҳатларини ўзгартиришимиз зарур, деб қаралаётган шу даврда тўйлар масаласи жамоатчилик томонидан яна кўн тартибига кескин қилиб қўйилмоқда.

ИНСОНИЙЛИК НУФУЗИ ДАБДАБАЮ ҲАШАМ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Аслида, масала ҳам, билдирилаётган эътирозлар ҳам азалий маросимимизда ёҳуд "тўй" сўзида эмас. Балки бугун унинг ўзгариб бораётган, айтиши мумкин бўлса, жамиятнинг орқили ҳуқуқсизга айланиб улгурган моҳиятидир.

Унинг борлиги, бутун орзу-ҳаваси шу тўрт-беш соатлик машваратга тикилгандек гўё. — Бунинг бир сабаби эски кунларга ҳам бориб тақалади, — дейди олим дўстимиз, — яъни ўзликни намоеён қилишнинг йўллари тақа-тақ ёпиқ даврларда кишилар ўзларини муваффақиятли, эришимли эканини шу йўл билан кўрсатишга уринишган, менинг ҳам қадру қийматим банд, буни қилаётган тўйимдан, ёган дастурхонимдан ҳам кўрсангиз бўлар, деган истак тўғрисида бини бўлган. Аслида, ота-она даб-

чаллаштириш борасидаги фикрлар моҳиятида пешона тери эвазига топишган маблагни оқилона сарфлаш, ҳаётга муносабатини ўзгартириш нияти турибди. Билмишдан, зиёдан, яратувчилликдек эзгу туйғулардан узоклашиб, яъни "элга белги бериш" удуми баҳонасида ўзини кўрсатиб қўйиш истаги, кимўзарга тўй қилиш анъанаси бугун воқеликка айлангани бор гап.

Аслида, ота-она дабдабаю асъаса истагини бир четга суриб, турмуш қураётган икки ёшга дастак бўларли қанча ишларни амалга ошириши мумкин?!

дабаю асъаса истагини бир четга суриб, турмуш қураётган икки ёшга дастак бўларли қанча ишларни амалга ошириши мумкин?! Масалан, тўйни бежирим ўтказиб, тежалган маблагни келин-куёв қўлига бериб, "Болаларим, мана бу оилангизнинг бюджетини олишга кетсин, булмаса яшаганинг бекор, дегани эмас, балки болачақали, ували-жували бўлсин, топган ҳалол ризқингни, рўзгорингдан ортганини яхши кунларга сарфлагин", деган эзгу ният бор, дегинг келадими, беихтиёр.

Аслида, масала ҳам, билдирилаётган эътирозлар ҳам азалий маросимимизда ёҳуд "тўй" сўзида эмас. Балки бугун унинг ўзгариб бораётган, айтиши мумкин бўлса, жамиятнинг орқили ҳуқуқсизга айланиб улгурган моҳиятидир.

риқингизга барака берсин. Лекин топган-тутганинигина янада яхшироқ мақсадларга сарфласангиз-чи?! Бошқа фарзандларингиз ҳам бордир, уларга ўқиб-ўрганиши учун шароит яратиб бериш. Мисол учун, кимё фанига қизиқиб, олий ўқув юртига киришни орзу қилиб юрган болалар Хомченконинг "Кимё" дарслигини излаб сарсон. Э, у китобнинг нархи саккиз юз минг сўм экан, шунча пулга китоб овераманми? Ёки компьютер деганингиз болалар ўйин-ўйнайдиган бир матоҳ-да, нархиям бир неча миллион эмиш, болалар онгини бузди, дейдиганлар бор...

Бир олим танишим менталитетимиздаги бу қусурни шухратпарастлик, енгил обрў топиш илмингидеги бир ҳаракат, дея ифодалаганди. Эҳтимол, у бир оз муболага қилгандир, лекин ушбу мулоҳазада ҳам қисман ҳақиқат мўжассам. Кўпчилигимизга таниш бир ҳолат бор — баъзи кишиларнинг ўзини кўрсатиб қўйиш истаги шунчалар қучлики, ҳатто, қарз-қавола қилиб бўлса-да, дабдабаю тўй қилишдан уни ҳеч ким ва ҳеч нарса қайтара олмайди.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу мулоҳазаларда жон бор. Яқинда бир кўшнимиз иччамгина тўй қилди. Ҳамма нарса ўз ўрнида, дабдабаю, ҳашам йўқ. "Тўйдан кейин куда билан келишиб, келин-куёвни саёҳатга юбордик" дейди мамнун бўлиб тўй эгаси. "Ёшлар дунёни кўрсин. Тўйга деб йиққан маблагимизнинг ярми ёнимизда турибди. Улар қайтиб келгач, қолганиниям ўзларининг қўлига берамиз. Янги рўзгорларининг кам-кўстини тўрибала олишадими".

Дарҳақиқат, бугун кенг жамоатчилик томонидан ўртага ташланаётган тўйларни их-

Элёржон ЭҲСОҲОВ «Халқ сўзи». Хурсандбек АРАБОВЕВ олган суратлар.

Исажон СУЛТОН, ёзувчи.

Ташаббус

ТАДБИРКОР АЁЛ ИМКОН ТОПДИ



Хоким Йўлдошев оловон сурат.

Давлатимиз томонидан тадбиркор аёлларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Юртбошимизнинг бугунги кунда қўяётган асосий талабларидан бири — хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш, яшаш шароитларини янада яхшилаш ва бу орқали уларнинг фаровон ҳаётини таъминлашдир.

Шу маънода, Бўстонлик туманининг Хўжакент қишлоғида ўз фаолиятини бошлаган «Саидова Гулсара» тикув цехи кўлаб хотин-қизларимизнинг даражасини кўтарди. — Интилишларимиз бе-самар кетмади, — дейди корхона раҳбари Гулсара

Саидова. — Янги цехни ташкил қилдик. Биринчи босқичда ўн олти нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Айни пайтда жамоамиз аҳолининг буюртмаси асосида иш олиб бораётиб. Бундан ташқари, пардалар, чойшаблар тайёрлаб, ички бозорга ҳам чиқаряпмиз.

Келгусида банк кредити асосида фаолиятимизни кенгайтириб, тикувчиларимиз сонини 30 нафарга етказишни мўлжаллаганмиз. — Тадбиркор аёлларимизни қўллаб-қувватлаб, яқиндан кўмак бериб келяпмиз, — дейди Бўстонлик тумани хотин-қизлар

қўмитаси раиси Шоира Худойберганаева. — Шу орқали худудимиздаги аёлларимиз бандлигини таъминламоқчимиз. Хусусан, Гулсара Саидовага ҳам банкдан кредит ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Юлдаз ҲУСОНОВА («Халқ сўзи»).

Андижон томонларда

Асака туманидаги Саидобод кўчасида истиқомат қилувчи Ҳавохон Тошматова 1-гурӯҳ ноғирони. Афсуски, унинг ҳаётда омади келмагач, ўғли Қурбонали билан ота уйига қайтди. Натижада тор хонада бир неча оила аъзолари билан тикилиб яшашга мажбур бўлишди.

«ҲАЁТИМДАГИ ЭНГ БАХТЛИ КУНИМДИР БУ!»

— Қачондир уйинг бўлади, — дейишса ишонмай қўйгандим, — дейди у. — Бугун ўз уйим борлигидан ичимга сиймапман! Ҳаётимдаги энг бахтли кунимдир бу! Андижон шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда Ҳавохон каби 60 нафар опа-сингли-

мизга янги уйларнинг қалитлари топширилди. Уйларнинг 20 таси бепул, хайрия тарзида тақдим этилган бўлса, қолган 40 тасининг бошланғич тўлови хотин-қизлар қўмитаси томонидан тўлаб берилди.

ЯНГИЛАНГАН МАЖМУАНИНГ ИЛК КУНИДА ТўРТ НАФАР ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ

Жалақудук туманидаги 90 ўринли туғуруқ мажмуасида «Милано сервис» МЧЖ томонидан 5 миллиард 700 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди.

— Қирк уч йилдан буён доялик қилиб келаман, — дейди туғуруқ мажмуаси ходими Муқаддасхон Мажидова. — Бунёдкорлик ишларидан сўнг мажмуамизда замонавий шароитлар

яратилди. Бу ердаги имкониятлар ҳаммани қувонтирмоқда. Янгиланган мажмуанинг илк кунда тўрт нафар чақалоқ дунёга келди. Салимжон ҲУСОНОВ («Халқ сўзи»).

Молия муассасаларида

СПОРТ МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ



Сўнгги пайтларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилиб, уни оммалаштириш борасидаги ишлар тобора кенг қулоқ ёймоқда.

Бунда Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини кучайтириш, истеъдодини юзага чиқариш баробарида, жисмоний фаоллигини ошириш, умуман, спортга бўлган муносабатини янада яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Марказий банк ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан тижорат банклари ўртасида мини-футбол бўйича ташкил этилган мусобақа ҳам ана шун-

дай тадбирлар сирасидандир. Муносабат кечган баҳсларда юртимизда фаолият юритаётган молия муассасаларининг 20 та жамоаси қатнашди. Яқинда акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси барчадан устун келиб, биринчи ўринни эгаллади ва махсус кубокни қўлга киритди.

Шу муносабат билан куни кеча молия муассасасининг республика тизимларидан шакллантирилган терма жамоа аъзолари банк раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди.

Банк бошқаруви раиси ва бошқалар таъкидлаганидек, спорт фақатгина саломатлик гарови эмас, у кишига яхши кайфият бағишлаб, ишига барики киритувчи восита ҳамдир.

— Инсоннинг спортга бўлган қизиқишини кучайтириш, Ватанга садоқат билан меҳнат қилиш, иш самарадорлигини оширишда бу каби мусобақаларнинг аҳамияти катта, — дейди банкнинг Қирғули филиали бош мутахас-



сиси Абдумажид Фозилов. — Шу маънода, Халқ банкида ҳафта-нинг чоршанба куни «Спорт куни» деб белгилангани бизга шундай имконият яратмоқда. Мазкур мусобақада мунтазам қатнашга келамиз ва бу йил чемпион бўлганимиздан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, молия муассасалари ўртасида мусобақа ўтказиш аънавий тус олган бўлиб, унда мутахассислар спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам беллашадилар. Тадбирда Халқ банки мини-футбол терма жамоаси аъзоларига совғалар топширилди.

Реклама ўрнида

Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ
 бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 04-2/10-7275-сонли алоқа хатига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайпбергенов кўчаси, 57-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда:

— 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 798 GAA бўлган «Chevrolet Niva» русумли.

Бошланғич баҳоси — 12 167 700 сўм.
 Қониқарсиз ҳолатда, таъмирталаб.

— Қўлами 205-70R/15 бўлган, 8 дона янги автошина.

Бошланғич баҳоси — 2 843 544 сўм.
 Аукцион савдоси 2019 йил 14 октябрь куни соат 12.00 да Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уйда жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносидан ўтказилади.

Аризалар 2019 йил 14 октябрь куни соат 18.00 гача қабул қилинади. Мазкур мулклар 2019 йил 14 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 24 октябрь куни соат 12.00 да кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий

савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Савдо қолиби, деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва яқшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ савдо ташкилотчисининг «Туронбанк» АТБ Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302 129 374, ОКОНХ: 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Тел.: 61-222-84-44. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 9506

DOOSAN

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
 Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача). Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар | Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар | Экскаватор-юклагичлар | Автогрейдерлар | Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат мuddати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгартиш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Махсулотлар сертификатланган.

plastex 10 йил

UZBEKISTAN

10-юбилей халқаро кўргазмаси

ПЛАСТМАССАЛАР ВА ПОЛИМЕРЛАР САНОАТИ

2019 йил 9 — 11 октябрь | Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ».

Ташкилотчилар: Itesa, ITE

Кўргазмага фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

www.plastex.uz

ONLINE РҲЙХАТДАН УТИНГ

Guvohnoma № 3583

Тошкент молия институти ректорати ва қасаба уюшмаси институтининг Олий математика, статистика ва эконометрика кафедраси катта ўқитувчиси Меҳридин Раҳмоновга отаси

Синдор РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир ҲУКМАН РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 876 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўламақлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ю. Буронов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.40 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6